

ҲАРБИЙ ТЕРМИНЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИ ВА УЛАРДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



Анвар Мухторович КУРГАНОВ
Тилларни ўрганиш
Кафедраси бошлиғининг ўринбосари
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада ҳарбий терминлар тизими, шунингдек, дунёда кечаётган сиёсий вазият ва фаннинг ривожланиш жараёнини ўзида акс эттирувчи ҳарбий терминларнинг синхрония ва диахронияси билан боғлиқ масалалар ўрганилган. Умумистеъмолдаги сўзлар ва ҳарбий терминларнинг ўзаро бир-бирига таъсири натижасида терминлашиш ва терминлик хусусиятини йўқотиш каби масалалар ҳамда ҳарбий терминларнинг қўлланилиши ва улардаги ўзгаришларда метафоранинг роли кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: ҳарбий терминология; тизими; сиёсий вазият; синхрония; диахрония; сўз ясалиши; конверсия.

СВОЕОБРАЗИЕ ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ ВОЕННЫХ ТЕРМИНОВ И ИХ ИЗМЕНЕНИЯ

Анвар Мухторович КУРГАНОВ
Заместитель начальника кафедры
изучения языков
Академия Министерства внутренних дел
Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье рассмотрены вопросы, касающиеся системы военной терминологии, а также синхронии и диахронии военной терминологии, отражающей политическую ситуацию в мире и процесс развития науки. Излагаются вопросы терминологизации и детерминологизации как результат взаимовлияния общеупотребительной лексики и военных терминов, а также роли метафоры в функционировании и изменении военной терминологии.

Ключевые слова: военная терминология; система; политическая ситуация; синхрония; диахрония; словообразование; конверсия.

PECULIARITIES OF FUNCTIONING MILITARY TERMS AND THEIR VARIATION

Anvar Mukhtorovich KURGANOV
Deputy Head
Department Learning Languages

Academy of the Ministry of Internal Affairs of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan

Abstract

The article deals with the questions connected with the systems of military terminology and synchrony and diachrony in military terminology reflecting science development process and political situation in the world. Questions of terminology and determinology as a result of interaction of military terms and in general use vocabulary as well as role of metaphor in functioning and changing military terminology is stated.

Keywords: military terminology; system; political situation; synchrony; diachrony word-formation; conversion.

Терминлар семантикасини тадқиқ қилишдаги терминологик тизимларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш зарурати ҳар қандай терминнинг маъноси унинг семантик муҳитига боғлиқлиги – унинг терминологик тизими доирасида ҳамда унинг ташқарисидаги ўзаро боғлиқлик, ушбу алоқаларнинг характери ҳамда шу терминлар ўртасида тушунча майдонининг бўлиниши билан боғлиқдир.

Терминга таъриф беришда унинг тегишли терминологик тизимдаги ўрни кўрсатилади, яъни аниқланаётган тушунча ҳолатнинг қайси тоифасига мансублиги ва айнан шу тоифадаги бошқа тушунчалардан нимаси билан ажралиб туриши ҳақида маълумот келтирилади.

Мисол тариқасида ҳарбий терминлар луғатида *“an armoured personnel carrier, fitted with a gun or cannon, which is designed to transport a section of infantry around the battlefield and provide them with fire support once they are fighting on foot”* тарзида шакллантирилган *“infantry fighting vehicle”* тушунчани келтириш мумкин.

Ушбу тушунчани икки қисмга бўлиш мумкин: биринчи қисм – *“an armoured personnel carrier”* (an armoured military vehicle used to transport troops) (қўшинни ташишга мўлжалланган зирҳли ҳарбий техника) – ушбу тушунча тааллуқли бўлган ҳолат тури, тоифасини белгилайди, иккинчи қисми эса – *“fitted with a gun or cannon, which is designed to transport a section of infantry around the battlefield and provide them with fire support once they are fighting on foot”* – унинг айнан шу тоифадаги бошқа тушунчалардан нимаси билан фарқ қилишини кўрсатади.

Шундай қилиб, терминологик тизимнинг асосий характеристикалари куйидагилардир: турларга асосланган иерархиядаги унинг иерархик тузилмаси (структураси); таркибий қисмларининг ягона маънога эгаллиги ва ноёблиги; муайян структуравий моделларнинг устунлиги.

В. Н. Шевчук ҳарбий терминологияни ҳарбий билимнинг, кенгроқ маънода эса ҳарбий ишнинг тушунча аппаратини акс эттирувчи “тилдаги ҳарбий

терминларнинг тартибга келтирилган жамланмаси” ва қуролли кучлардан стратегик мақсадларда фойдаланиш, шунингдек ҳарбий бўлимлар, қисмлар ва бўлинмалар, уларни ташкил қилиш, қуроллантириш ва техника билан таъминлаш, оператив-тактик жиҳатдан фойдаланиш, улар билан боғлиқ бўлган жангни олиб бориш шакллари ва усуллари сифатида белгилаб беради. Ҳарбий термин унинг мазмуни билан тартибга келтириш маъносидаги муайян ҳарбий касб соҳасининг тушунчавий-функционал тизимидаги муайян тушунча билан мустаҳкамланган синтетик ёки аналитик турғун бирлик каби берилади (1, 97).

Ҳарбий терминология фақат айрим терминларнинг катта қисми ва улар орасидаги муносабатлар жамланмаси эканлигини асослаш учун эмас, балки ҳарбий терминологиянинг айнан тизимда қандай шакллантирилганлигини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Ҳарбий терминларнинг нутқ бўлаклари бўйича таснифи: инглиз тилидаги ҳарбий терминология нутқнинг тўрт бўлагида берилади: от, сифат, феъл ва равиш. Сон жиҳатидан улар тизимда бир хил тарзда тақсимланмаган, ҳарбий терминология асосан субстантив характерга эга. Иккита ҳарбий терминология луғати таҳлили – Campaign Dictionary of Military Terms Dictionary. Macmillan, 2004 ва T. N. Dupuy, C. Johnson, G. P. Hayes, муаллифлигидаги Dictionary of Military Terms. 2nd edition. US. Washington, 2003 луғати – шунинг кўрсатадики, отларнинг бошқа нутқ бўлақларига нисбатан улуши 80 фоиздан ортқидир, бундан келиб чиқадики, фиксация соҳасида ҳам, функционал соҳада ҳам ҳарбий терминларни ифодалашнинг асосий шакли от ҳисобланади.

Инглиз тилидаги ҳарбий технологиянинг структуравий – сўз яшаш классификацияси ҳақида сўз юритар эканмиз, шунинг таъкидлаш лозимки, унга замонавий инглиз тили учун хос бўлган сўз яшаш усуллари мосдир, айнан: морфологик сўз яшаш, лексик-семантик сўз яшаш ҳамда бошқа тиллардаги сўзлардан фойдаланиш.

Терминларда морфологик сўз яшаш усули қуйидаги усулларни қамраб олади: аффиксация, қўшма сўзлар, конверсия ва қисқартмалар.

Инглиз тилидаги ҳарбий терминологияда сўз яшаш инструментариясининг турли-туманлигида асосий эътибор, ўзига хослиги ва кўп тарқалмаганлигини инобатга оладиган бўлсак, қўшма бирикмаларда сифатларнинг постпозицияда қўлланилишига қаратилади, масалан *battlewise, infantry-heavy, seaworthy, trigger-happy*, шунингдек префиксли феъллар *em-*, масалан, феълларда *embus, emplane*.

Конверсия – инглиз тили ҳарбий терминологиясидаги сўз яшашнинг энг кенг тарқалган туридир, бунда муайян нутқ бўлагига тегишли бўлган сўз, ўзининг илк шаклини ўзгартирмаган ҳолда, янги парадигмага қўшилиб, бошқа нутқ бўлаги

маъносини олади. Конверсия – феълларни яшанинг асосий усулларида хисобланади (аксарият ҳолларда отлардан). Масалан, *mortar* (миномёт) – *to mortar* (миномётдан ўққа тутиш); *shell* (снаряд) – *to shell* (артилерия қуролидан ўққа тутиш); *rocket* (ракета) – *to rocket* (ракета учирмоқ); *burst* (портлаш) – *to burst* (портламоқ); *bypass* (айланма йўл) – *to bypass* (айланиб ўтиш); *billet* (ҳарбийлар вақтинча турадиган хонадон) – *to billet* (хонадонларга жойлашиш); *bridge* (кўприк) – *to bridge* (кўприк қуриш); *bluff* (ёлғон) – *to bluff* (ёлғон гапирмоқ); *base* (база) – *to base* (қўшинни жойлаштириш); *blockade* (қамал, қуршов) – *to blockade* (қуршоб олмақ). Конверсия ёрдамида ҳосил бўлган феъл барча ҳолатларда сўзнинг илк ҳолатидаги маъноси билан боғлиқ бўлган иш-ҳаракатни билдиради. Бу каби янги ҳосил қилинган сўзларни таржима қилишдаги қийинчилик шундан иборатки, ўзбек тилида аналогик ўзаклардан ҳосил бўлган феъллар бўлмаслиги мумкин.

Сўз яшаш усуллари ҳақида гапирар эканмиз, лексик-семантик усул ҳақида айтиб ўтишимиз лозим, хусусан, маънони кўчириш, масалан *Kalashnikov* – конструктор фамилияси ва жаҳонга машҳур автомат қуроли, *Diesel* – ихтирочи фамилияси ва двигатель тури номи, *Pentagon* – АҚШ Мудофаа вазирлиги биноси ва ҳарбий муассаса номи, Америка ҳарбийлари. Ихтирочи номи ёки фирма номи предметнинг ўзига кўчирилади. Масалан, *Bren* – қўл пулемёти; *Sten* – автомат.

Ҳарбий-терминологик сўз бирикмалари асосан муайян тил қардош терминлари ва терминологик сўз бирикмалари асосида уларнинг маъноларини конкретлаштирадиган ва аниқлик киритадиган керакли сўз ва сўз бирикмаларини бириктириш орқали ҳосил қилинади.

Таъкидлаш лозимки, ҳарбий терминологиянинг яна ўзига хос бир хусусияти унинг ҳажмидир. Л. Ф. Парпаров қуйидаги маълумотларни келтиради: замонавий қуроли кучлардаги таъминот предметларининг сони тахминан уч миллион турли номга эга, замонавий танк 60 минг турли деталлардан ташкил топган, ҳарбий техника ва қуролининг бошқа мураккаб намуналарида эса уларнинг сони бундан кўп – 70 мингдан ортиқ (2).

Инглиз тилидаги ҳарбий терминологияда бошқа тиллардан олинган сўзлар сони муайян даражада чекланган, бунга сабаб инглиз тили технология ва халқаро муносабатлар соҳасида устун туради. Аммо, сўз яшанинг ўзи, номинация, нафақат техника ривожига, балки тилнинг ички қоидаларига ҳамда янги терминни киритаётган шахсларнинг ижодий потенциалига ҳам бо-лиқ.

Ҳарбий терминологияда бошқа тиллардан олинган сўзлар нисбатан кам учрайди. Термин тизимидаги сўзлар сонининг ортиши тилнинг ички ресурслари

хисобидан юзага келади (сўз яшаш, қисқартириш, сўз ясовчи аффикслардан кенг фойдаланиш).

Инглиз тилидаги ҳарбий терминлар тизимининг асосини, асосан, аниқловчи вазифасини бажарувчи субстантив бирликлардан иборат бир бўлакли ва кўп компонентли номинатив бирликлар ташкил этади. Масалан, *battle* – *battle field*, *battlefield interdiction*, *battlefield interdiction line*, *battlefield air interdiction*.

Ҳарбий терминлар тизими учун, агар билмасангиз, тушуниш қийин бўлган кўп сонли қисқартмалар хосдир. “Ҳарбий ва илмий техник соҳадаги қисқартмалар муайян тиллардаги қисқартмалар тизимининг асосий қисмини ташкил қилади” (3). Бўғинли аббревиация: *comsat* – *communication satellite*, *stanag* – *standardisation agreement*; Инициал аббревиация: *NATO North Atlantic Treaty Organization*, *EAGLE Elevation Angle Guidance Landing Equipment*; Қоришиқ усул: *Univac* – *universal automatic computer*.

Ҳарбий терминологиянинг тилда қўлланилиши ҳақида гапирар эканмиз, шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир навбатдаги ҳарбий тўқнашув (конфликт) янги сўзларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. “*It seems like wars produce a lot of new words*” (“Шундай таассурот пайдо бўляптики, урушлар сабабли кўплаб янги сўзлар пайдо бўлади”). “*American Heritage Dictionary*” луғати масъул муҳаррирининг ушбу сўзлари бу тенденцияни янада яхшироқ очиб беради. Масалан, Ироқ ёки Суриядаги ҳарбий ҳаракатлар *embeds* каби сўзларнинг пайдо бўлишига олиб келди – муайян ҳарбий бўлинмада аккредитация қилинган журналистларни шундай аташади (*embed* феъли бошида “бириктирилмоқ, кўймоқ, киритмоқ, татбиқ қилиш” маъноларида ишлатилган); ёки “*I began to have real doubts about going through with my mission to “embed” as a journalist with the United States Marines*” (4). *Shoe-bomb* (оёқ кийимида яширилган портловчи модда); аввалдан мавжуд бўлган *decapitation* (бошидан жудо қилиш) сўзи 2003–2006 йиллари Ироқдаги вазиятга нисбатан ишлатилган бўлиб, бир овоздан “Ҳусайн ва унинг режимини кулатиш” маъносида тушунилган.

Лексик бирликларни терминлаштириш турли белгилари бўйича амалга оширилиши мумкин. **Шаклдаги ўхшашлик бўйича:** *dragon’s teeth* – танкка қарши тўсиқлар, *dish-type radar* – параболик антеннали радиолокация станцияси, *bipod* – икки оёқли тургак; **ўхшаш функциялар бўйича:** *choke-point* (душман ҳужум қилиши эҳтимоли юқори бўлган тор ўтмиш жойи), *armor-piercing* (ўқ ўтмас), *back-up system* (захира тизими); **шакли ва функциясидаги ўхшашлик бўйича:** *carpet bombing* (ёппасига бомбардимон қилиш), *belt-fed* (лента орқали етказиш), *path-control* (траекторияни бошқариш); **структураси, тузилиши бўйича ўхшаш:** *hog’s back* (қия тоғ тизмаси), *chamber* (патрон

жойлайдиган қурилма), *foxhole* (бир кишилик хандак); **ассоциатив кўчириш асосида:** *friendly fire* (ўз қўшинлари томонидан ўққа тутилиши), *dive-bombing* (тик бориб бомба ташлаш), *dogfight* (ҳаво жанги), *burst* (портламоқ), *flamethrower vehicle* (олов пуркайдиган транспорт воситаси).

Акс жараёндан қутулиш ҳам қийин бўлади, яъни бир қанча терминлардан фойдаланилмай қўйилади ва фақат муайян давр терминология луғатларида қолиб кетади. Айрим ҳолатларда терминлар нутқда сақланиб қолади, лекин уларнинг маъноси вақт ўтиши билан ўзгаради. Мисол сифатида *blockbuster* сўзини келтириш мумкин, иккинчи жаҳон уруши даврида луғатларда бу сўзнинг қуйидаги талқини берилган: “*a large bomb used to demolish extensive areas (as a city block)*” (катта ҳудудларни (масалан, шаҳардаги мавзени) йўқ қилиш учун ишлатиладиган кучли портловчи қурилма), замонавий луғатда унинг қуйидаги маъноси мавжуд “*a book or film that is very good or successful*” (катта муваффақиятга эришган китоб ёки фильм). Аввалдан маълум бўлган терминлар янги маъноларини пайдо бўлиши асосан дунёдаги сиёсий вазиятнинг ўзгариши, шунингдек фан ва техниканинг ривожланишига боғлиқдир.

Шубҳасиз, янги терминлар сонининг тез ўсиши ва мавжудларининг ўзгариши жамият ҳаётининг фаоллашуви вақтида, хусусан уруш, революция, этник ва диний тўқнашувлар (конфликтлар) вақтида сезилади. Ҳарбий терминология тизимининг шаклланиши ва ривожланишига нафақат илмий-техник тараққиёт омили, балки ҳарбий терминларнинг махсус контекстдан ташқарида – сиёсий арбобларнинг нутқ ва чиқишларида, журналистларнинг оммавий ахборот воситаларида ва номутахассисларнинг хусусий мулоқотларида қўлланилиши муайян таъсир кўрсатади.

Ҳарбий терминологияда умумбадий тилда у ёки бу иборанинг қай даражада аниқ ва керакли даражада қўлланилишига қараб у терминлаштирилиши ёки маъноси ўзгариши ва аниқ терминологик маъно касб этиши мумкин.

Г. А. Судзиловскийнинг инглизча-русча ҳарбий луғатидаги (1973) *chaff* – *дипольные отражатели*, *drone* – “*беспилотный самолёт для наблюдения за полем боя*”; *dogfight* “*воздушный бой*”; *pillbox* «*закрытое огневое сооружение*»; *silos* «*стартовая шахта*» каби атамалар “ҳарбий сленг” белгиси билан берилган, лекин В. Н. Шевчукнинг (1987) луғатида улар ҳарбий терминлар таркибига киритилган. Айнан шу сўзларнинг маъноси Macmillan нашриётининг *Dictionary of Military Terms* (2004) ва Longman *Dictionary of Contemporary English* (2003) умумий луғатида кўриб чиқилган бўлиб, ушбу терминларнинг маъноси умумий лексика луғати ва ҳарбий терминларнинг махсус луғатида бир хилдир, бу мазкур терминларнинг детерминологизация қилинганлигини англатади.

Детерминологизация жараёни маънонинг метафорлашуви билан юзага келиши мумкин: бунда профессионал бирлик ассоциатив ҳаётий алоқалар сабабли юзага келган лексик маънога эга бўлади. Мисол тариқасида *heart attack*, *Easter parade*, *economic blockade* каби тушунчаларни келтириш мумкин.

Терминнинг умумфойдаланиладиган лексикага ўтиш жараёнини таҳлил қилиб таъкидлаш мумкинки, бунда тушунчанинг термин деб номланадиган соддалашув жараёни содир бўлади, у умумфойдаланиладиган тилда тушуниш имкониятларига мослаштирилади. Масалан, *battery* сўзи: “Longman Dictionary of Contemporary English” луғатида қуйидагича берилади *battery* (дивизион, батарея): *several large guns used together* (ягона комплекс сифатида ишлатиладиган бир нечта оғир қуроллар). Ҳарбий терминлар луғатида шундай тушунча бор: *a company-sized artillery grouping with six or more guns* (олти ёки ундан кўп қурол-аслаҳага эга ротагача бўлган артиллерия гуруҳи). Терминни яна қайта ишлаш *Battery* сўзининг янги маъносини беради - *any large group of related things: “A battery of questions”, (Саволлар тўплами) “A battery of achievement tests” (Тестлар тўплами)*.

Терминларнинг бир термин тизимидан бошқасига “миграцияси”нинг ўзга хос ҳолатини алоҳида эътироф этиш лозим. Масалан, исталган бизнес-лексика луғатида қуйидаги терминлар мавжуд: *strategy, action, operations, campaign, force (sales force, task force), division, Chief, Officer, target, conflict, defeat, capture, strengths, threats, resources* ва бошқалар. Ушбу терминларнинг “ҳарбий” келиб чиқишига шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Инглиз тилидаги ҳарбий терминологияга метафоралик хусусияти ҳам хосдир. Буни шу билан тушунтириш мумкинки, ҳарбий лексика умуман олганда кўп жиҳатдан (чекланган қўлланиш доирасига эга бошқа лексик гуруҳларга нисбатан) метафора номланишнинг асосий усуллари билан бўлган умумқўлланиладиган лексикага асосланган.

Когнитив лингвистика, психолингвистика, мамлакатшунослик доирасида метафорани ўрганиш шуни кўрсатдики, инсон метафорасиз гапира олмайди. У “нафақат тил элементи, балки у универсал ўрганиш механизми, дунёнинг англаш усули, чунки метафора фақат дунёнинг тил картинаси фрагментини яратмайди, балки унинг бутун бўшлиғини тўлдиради, борлиқнинг барча объектларини камраб олади”. Терминология соҳасида метафоранинг ишлаши – агар исталган термин қийслаш ва қайта англашнинг натижаси деб ҳисобласак, мантиқий ҳолатдир. Метафоранинг пайдо бўлиши “тил соҳибларининг концептуал тизими, уларнинг стандарт тасаввурлари, тилдан ташқарида мавжуд бўлган ва фақат унда вербаллашадиган баҳолаш тизими билан боғлиқдир” (5, 34).

О. С. Ахманованинг лингвистик терминлар луғатида метафоранинг қуйидаги таърифи берилган: ўхшашлик, аналогия ва бошқалар асосидаги кўчма маъноли сўзлар ва иборалардан фойдаланиладиган троп.

Ҳарбий соҳада метафора бажарадиган асосий функциялар – номинация, характерлаш ва эмоционал-экспрессив баҳо (6, 186). Шу билан бирга таъкидлаш керакки, терминология соҳасида энг кўп ифодалилик, албатта, метафоранинг биринчи функциясига тегишли.

6000дан ортиқ луғавий мақолаларга эга ва британия, америка ва халқаро ҳарбий терминларни ўз ичига олган Macmillan нашриёти Dictionary of military terms луғати таҳлил қилинганда, унда метафорали терминлар миқдори тахминан 315 луғавий мақолалардан иборатлиги аниқланди. Ушбу мақолалардаги аксарият терминлар қурол-аслаҳа ва техникага, шунингдек, жанг олиб бориш усуллари ва турли вазиятларда ҳарбий хизматчиларнинг ўзини тутишларига тегишлидир.

ОАВларида қўлланиладиган ҳарбий терминологиянинг муҳим жиҳати юқори даражадаги метафорликдир. Ҳарбий терминларни тизимлаштириш ва уларни ишлатишда метафоранинг сезиларли роли омилларнинг бутун комплексига боғлиқ, улар орасида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: ОАВларининг ҳарбий тўқнашувлар ва ҳарбий ҳаракатлар тўғрисидаги матнлари, одатда, таъмир кўрсатиш функциясини бажаради, яъни эмфатик функция, унга кўра муайян терминлар танлаб олинади.

Инглиз ҳарбий терминологиясида метафораларнинг мавжудлигига мисол тариқасида Macmillan нашриётининг ҳарбий терминлар луғатидан бир қатор терминларни келтириш мумкин:

– *bloodbath (a massacre, the killing of large numbers of people)* – *оммавий қотиллик*. Сўзма-сўз: “қонли уруш”;

– *buddy-buddy system (a philosophy where comrades look after each other's welfare and protect each other in battle)* – *бир-бирига ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашни кўзда тутувчи жанг майдонидаги ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро алоқалари тизими*. Сўзма-сўз: “дўст-дўст тизими”;

– *chopper (a helicopter)* – *вертолёт*. Сўзма-сўз: “чопиш, кесиш учун ускуна”;

– *dogfight (a battle between aircraft)* – *ҳаво жанги* – сўзма-сўз: “итлар жанги”;

– *dragon's teeth (concrete pillars used as an obstacle for tanks)* – *танкка қарши тўсиқлар*. Сўзма-сўз: “аждаҳо тишлари”.

Инглиз ҳарбий терминологиясида маънонинг метафорали кўчиши кўп ҳолларда инсоннинг сенсомтор тажрибаси ва қиёслаш объектлари ўртасидаги

ассоциатив алоқаларига асосланган. Терминлаштириладиган тушунчани ифодалаш учун умумий тушунчани ифодаловчи сўзларни жалб қилиш мумкин, бу термин аналог бўйича термин билан боғлиқ бўлиши мумкин, масалан *parent division* (маълум бўлинма таркибига кирадиган дивизия, “ўз” дивизиямиз); *accurate fire* (мўлжалга олувчи олов); *caterpillar steel track* (занжирли пўлат лента); *booby-trap* (мина-қопқон); *drop zone* (парашютли десантни тушириш зонаси); *dummy position* (алдамчи позиция); *flag officer* (юқори даражали зобит, адмирал); *free rocket* (бошқарилмайдиган ракета); *hand guard* (стволли устки қоплама); *handgun* (шахсий ўқотар қурол); *nozzle* (қопқоқ, форсунка); *gooseberry* (кўчма симли тўсиқ); *jamming signal* (радиоэлектрон тарзда бостириш, шовқин).

Юқорида билдирилган фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, инглиз тилининг ҳарбий терминологияси тизим сифатида қўлланади ва у субстантивлик, турлича сўз ясалиши ва лексик бирликларнинг термин ҳолатига келишининг турлича кечиши билан тавсифланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шевчук В.Н. Военно-терминологическая система в статике и динамике: Дис. . д-ра филол. наук. –М., 1985. – 488 с.
2. Парпаров Л.Ф. Немецкая военная лексика и вопросы перевода ее на русский язык // Немецко-русский военный словарь / Под ред. Л.Ф.Парпарова. –М.: Воениздат, 1978.– С. 180.
3. Женевский центр по демократическому контролю над вооруженными силами (ДКВС). Русско-английский военно-политический словарь. –Женева, март 2002 г.
4. АБВУ Lingvo x6 Professional edition. АБВУ Web site www.abbyy.com.
5. Телия В.Н. Метафора в языке и тексте. – М., 1988. – 176 с.
6. Бучина Г.А. Роль метафоры в структурировании и функционировании лексики ограниченного употребления. Дис. канд. филол. наук. – Саратов, 2003. – 281 с.